



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: xalksuzi@uzpak.uz • 2004 йил 7 май № 95-96 (3370-3371)

Жума

Мустақиллик фарзандлари



Она Ўзбекистонимиз истиқболини биз ҳар томонлама етук ёш авлодлар тимсолида кўрамиз. Шу боисдан мамлакатимизда ёшлар таълим-тарбиясига ниҳоятда катта эътибор кўрсатилмоқда.

Сўнги йилларда бу йўналишдаги ишлар янги босқичларга кўтарилди. Мамлакатимиз бағрида юзлаб академик лицейлар, касб-хунар коллежлари, янги олий ўқув юрталари, замонавий спорт мажмуалари майдонга келди. Болалар спорт кенг қўламада қанот ёймоқда.

Президентимиз Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясида Ватанимиздаги умумтаълим мактабларини энг юксак замонавий даражада ривожлантириш мақсадларига қаратилган Давлат дастури тайёрланаётганини маълум қилдилар.

Фақат шугина эмас. Ёшлардаги куч-ғайрат, салоҳият, келажака интилиш бундан бошқача шаклларда, усулларда ҳам қўллаб-қувватланмоқда ва рағбатлантирилмоқда. Масалан, истеъдодли қизларимизнинг ҳаётдаги ик муваффақиятли қадамлари Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланиб келинаётгани бунинг ёрқин далилидир. Бу юксак мукофот қизларимизнинг иқтидорини мамлакат миқёсида барқ уриб гуллаб-яшнаши ва қувонарли самаралар бериши учун ҳаётбахш омилга айланапти. Сурхондарё вилояти-

нинг Денов туманидаги 84-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Феруза Қурбонова 2004 йилда ана шу фахри мукофотнинг нишонини кўксига қадашга муяссар бўлган қизларимиздан. Унинг истеъдод учқунлари чақнаб турган «Уйғоқ юлдузлар», «Ёшларимиз — гўзаллигим» каби дастлабки шеърли тўпламлари аллақачон ўз ўқувчиларини топди. Феруза — мустақилликимизнинг ёрқин, талантили фарзандларидан бири. Мустақилликимиз каби унинг келажаги ҳам порлоқ бўлишига ишонамиз.
СУРАТДА: Феруза Қурбонова.
Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.



Куч — бирлик ва эзгуликда

Бугун ўзининг жирканч манфаатлари йўлида бирлашган халқро террорчилар йирткичлик йўлига ўтиб олдилар. Улар маънавият нима, маърифат нима — билмайди. Ёшу қари, гуноҳқору бегуноҳ демайди. Ушлагани қурол-яроғ, ўқ-дори, ўйлагани ёвузлик. Ҳаётда бундан ортиқ жаҳолат борми?

Лоқайблик — ичимиздаги душман

Киши кўнглини безовта қилаётган, вужудини минг бир азобга солаётган, инсоният тақдирини таназзулга бурмоқчи бўлаётган бундай муҳиш ҳодисаларни қандай баҳолаш мумкин? Уларга қарши қандай курашмоқ керак? Тошкент Ислам университетида Тошкент вилояти туманлари хотин-қизлар қўмиталари раислари ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари учун ташкил этилган тўрт кунлик семинарда ана шу саволларга жавоб изланди.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз Президенти Олий Мажлиснинг сўнги сессиясида терроризм аини пайтда бутун башариёт фожиаси, Ер шарни тақдир билан боғлиқ ҳалокат эканини яна бир бор англашга даъват этиб, унга қарши курашда ҳеч ким четда турмаслиги ҳақида куйиниб гапирдилар.

Шундай экан, ҳар бир инсон содир бўлаётган воқеаларнинг мазмун-моҳиятини чуқур ва теран англаб етатишимиз? Умуман, бундай муҳиш отатнинг олдини олиш борасида қилинаётган саяёҳ-харакатлар самарадорлигини таъминлаш, тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлигини ошириш учун нималар қилиш керак? Бўлиб ўтган семинарда аини долзарб масалалар атрофида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Шунингдек, семинарда турли хил мутаассиб оқимлар, террорчилик ва қўпуровчилик ҳаракатларининг халқимизга, унинг асрлар давомида шаклланган меъна-талаб ва қадриятларига табиатан ёт эканини аниқ мисоллар ва ишончли далиллар ёстиришга эриштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Очиг муроқот тарзида ўтган, савол-жавобларга бой бўлган семинарда лоқайблик ва бепарволикка йўл қўймаслик, мавжуд таҳдидлардан ўз вақтида огоҳ бўлиш, уларнинг моҳиятини чуқур англаб етиш зарурлиги ҳамда бу жараёнда раҳбар ходимлардан фаоллик ва курашчанлик талаб этилиши алоҳида қайд этилди. Зеро, ғанимлар Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик ва оқош-ишталикни, жамиятимиздаги бунёдкорлик муҳитини, бугун биз барпо этаётган, фаровон ва осуда ҳаётни бузиш ниятида турли ҳаракатлар олиб бораётган бир даврда Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжихатлиги ва буқилмас иродасига боғлиқ эканини англаб етиш ниҳоятда муҳимдир.

(Давоми 5-бетда).

Ҳайлардан хабарлар

Кексаларга иззат ва эҳтиром

Қуваликларнинг хайрли бир аънаниси бор. Ҳар йили Хотира ва Қадрлаш кунини арафасида ҳар бир ташкилотда байрамона дастурхонлар ёзилиб, уруш ва меҳнат фахрийлари, афсон уруши иштирокчилари, чернобилчилар тақдиф этилади. Уларнинг ҳурматлари жойига қўйилиб, соғва-саломлар улашади.

Бу йил ана шу хайрли аънанини «Кувамебель» ҳиссдорлик жамияти бошлаб берди. Корхонанинг маданият оромгоҳида тўпланган 200 нафардан зиёд уруш ва меҳнат фахрийлари — эл эъзозидоғи кишиларга иззат, эҳтиром кўрсатилди. Байрам қатнашчилари туманининг муқаддас қадамларидан бири — Саидвақос ота оромгоҳида бунёд этилган Хотира мажмуининг очилиш маросимида иштирок этишди.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

Биштирувчилар учун иш ўринлари

Марҳамат тумани ҳокимлигининг ташаббуси билан ҳудуддаги Қишлоқ ва сув ҳўжалиги касб-хунар коллежи қошида илк маротаба биштирувчилар учун иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.

Коллежнинг 87 нафар биштирувчиси иш билан таъминланди. Бундан нафақат биштирувчилар, балки уларнинг ота-оналари ҳам мамнун бўлдилар. Яқин кунлар ичида туман ҳудудида жойлашган яна учта билим юрти биштирувчилари учун ҳам ана шундай ярмаркалар ўтказиш режалаштирилмоқда, — дея хабар беради «Туркистон-пресс» мухбири К. Низомов.

Ташки ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ҳукуматлари ўртасида мамлакатимизга кишлоқ ҳўжалик техникаси, компютерлар ва бошқа замонавий воситалар берилишини кўзда тутувчи битим имзоланди. Битимнинг умумий қиймати 50 мил-

ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

лион Хитой юанига тенг. Ҳужжат Ўзбекистон ва Хитой ҳукуматлари ўртасида мамлакатимизга фоизсиз кредит ажратиш ва бегараз ёрдам кўрсатиш тўғрисида 2003 йил 23 сентябрь кунин имзоланган битим ҳамда 2003 йил 15 февралдаги Алмашув мактублари доирасида қабул қилинди.

Битимни Ўзбекистон Республикаси ташки ишлар вазирлиги Содиқ Сафоев ва Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Гао Юйшэн имзолади.

(ЎзА).

Ўзбекистон—ЕИ: кенгайиш бўйича протокол

Европа Иттифоқининг (ЕИ) кенгайиши ўтган ҳафтанинг муҳим халқаро воқеаси бўлди.

2004 йил 5 май кунин Марказий, Шарқий ва Жанубий Европанинг ўнта давлати — Венгрия, Кипр, Латвия, Литва, Мальта, Польша, Словакия, Словения, Чехия ва Эстония — Европа Иттифоқига аъзо бўлди. Ушбу воқеа арафасида Брюсселда Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ҳамда унга аъзо давлатлар ўртасидаги Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимга (ШХБ) қўшимча протоколнинг имзолаш маросими бўлиб ўтди. Протоколга мувофиқ ЕИга янги аъзо давлатлар Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ШХБга қўшилди. Ушбу ҳужжат «кенгайиш бўйича протокол» деб ҳам аталади.

«Жаҳон» АА.

Фермерларнинг савобли иши

Оқолтин туманида яқинда хайрли бир ишга қўл уришти. Туман фермерлари ўз ҳудудларидаги А. Носиров номли ҳўжалик 17-мактабга 1 миллион, Усмон Носир номли ҳўжалик 9-мактабга 1,1 миллион сўм маблағ ажратиб, спорт мажмуаларини таъмирлаб беришти. Қолган фермерлар ҳам савобдан четда туришгани йўқ. Ш. Аллаёров, И. Каттабеков, Ш. Уматов сингари фермерлар мактаблар таъмири учун қурилиш материаллари олиб беришти.

Фермер ва тадбиркорлар туман мактабларига кўрсатаётган ҳўмилий ёрдами салмоғи тобора ортиб бормоқда.

А. ХОНИМҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Сайлоб компаниясида ташвиқот ва реклама

Пойтахтимиздаги Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида «Сайлоб компаниясида ташвиқот ва реклама» мавзуида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар, нодавлат-нотижорат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари

ҳодимлари иштирок этган ушбу анжуманини ўтказишдан мақсад, сайловолди ташвиқотлариди ўрганишнинг сайловлар ҳақидаги қонунларини тарғиб қилишдан иборатдир. Анжуманда сайлов кампаниясида ташвиқот ва рекламанинг мақсад ва вазифалари, радио-реклама, ташки рекла-

ма ва сайлов кампаниясида матбуот хизмати-нинг вазифалари ҳақида атрофлича тўхталиб ўтилди. Куннинг иккинчи ярмида эса «2004 йил сайловлари: ёриштириш мезонлари ва ҳолислиги» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

М. ХОЛМАТОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

«Халқ сўзи» йўқламаси

Ғалла етилмоқда, техника шайми?

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги маълумотларига кўра, бу йил мамлакатимиз бўйича жами 1396,5 минг гектар майдонда, шу жумладан, 1083,6 минг гектар сўғориладиган ва 312,9 минг гектар лалми ерда ғалла ўстирилмоқда.

Шуниси эътиборлики, 2004 йил ҳосили учун кузги бошоқли дон экишида асосий эътибор уруғлик сифатида қаратилди. Жумладан, 308,5 минг тонна уруғликнинг 112 минг тоннаси Андижон вилоятида тўлиқ ва сифатли сараланиб, доирланган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга етказиб берилди. Қолган қисми эса жойларнинг ўзида тайёрланди.

Экиш жараёнида I синф давлат стандартларига мос уруғликнинг 95,5 фоизи, II синф давлат стандартларига жавоб берадиган уруғликнинг 4,5 фоизидан унумли фойдаланилди.

Майсалар ўз вақтида озиклантирилиб, оби-тобиди сувга қондирилгани натижасида апрель ойининг охирига келиб, сўғориладиган ерларда унинг 56,1 фоизи бошоқли, 43,9 фоизи найчалаш ҳолатида ривожланмоқда. Лалми майдонларда эса ниҳолларнинг 40,1 фоизи бошоқлаб, 43,9 фоизи найчалади, 20 фоизи эса туллаш ҳолатидадир.

Айни чоғда сувли майдонларда иккинчи озиклантириш якунланиб, учинчи қизғин олиб боришмоқда. Озиклантириш юмушлари билан бир вақтда сўғориш ишлари ҳам жадал амалга ошириляптир.


Бундан ташқари, бегона ўтларга қарши 200 минг гектар майдонда гербицидлар ишлатилди, 525 минг гектар ер қўлда ўтқ қилиниб, 330,3 минг гектар пайкалга суспензия сепилди.

Қўрилган ана шу чора-тадбирлар туфайли мавжуд майдонларда ғалла ҳосили пишиб етилмоқда. Ризқ-рўзимиз бўлиши ҳосилни нес-нобуд қилмасдан, ўз вақтида тўлиқ саранжомлаб олиш эса кўп жиҳатдан техника воситаларининг қай даражада соғланиб, обдон таъмирдан чиқарилганига боғлиқдир. Агар жорий йилда бошоқли донни ўриб-йиғиб олиш мавсумига жами 3807 та, шу жумладан, 1956 та юқори унум билан ишлайдиган «Кейс», «Клаас», «Нью-Холланд» русумли, шунингдек, 1851 та «Нива» ва «Енисей» русумли комбайн жалб этилиши режалаштирилганини ҳисобга олсак, масаланинг қанчалик долзарблиги аён бўлади-қўяди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил янвурларига бағишланган йўғилиши баёнининг 17-бандида «дон ўриш-йиғиш комбайнларининг шу йил 1 майга таёрлаб қўйилишини таъминлаш» юзасидан «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг»

компанияси ва «Ўзагрошсервис» уюшмасига топшириқ берилган эди. Ҳўш, бу борада мазкур ташкилотларда қандай тадбирлар амалга оширилди?

Шу муносабат билан биз компания ва уюшма раҳбарларига ёзма равишда мурожаат этгандик. Улардан жавоблар олинди. Мисол учун, «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компанияси томонидан берилган маълумотномада шундай дейилади: «Вазирлар Маҳкамасининг топшириғига мувофиқ, шунингдек, Сирдарё вилоятидаги мавжуд «Кейс» комбайнларини соғлаш ва уларга техника хизмат кўрсатиш мақсадида шу йил 21 апрелда компания раисининг «2004 йилги ғалла ўриш-йиғиши мавсумида техника ёрдам кўрсатиш ҳақида»ги 32-сонли буйруғи қабул қилинган. Унга кўра, «Тошкент трактор заводи» давлат акциядорлик жамияти, «Тошиқилоқмаш», «Технолог», «Аргетат заводи», «Ўзқишлоқмаш» ва «Мотор заводи» ҳиссдорлик жамиятлари мазкур вилоятга бириктирилиб қўйилган. Уларнинг зиммасига юқори малакали мутахассислар иштирокида комплекс соғлаш бригадалари тузиш, уларни асбоб-ускуналар, газ-электрпайвандлаш мос-



ламалари, соғлаш материаллари ва бошқа моддий-техника ресурслари билан таъминлаган ҳолда Сирдарё вилоятига, «ЎзКейссервис» қўшма корхонаси ихтиёрига юбориш вазифаси юклатилган.

Ҳозирги кунда 50 нафар мутахассисдан иборат ушбу комплекс бригадалар вилоятнинг Оқолтин, Сардоба, Сайхунобод, Мирзаобод ва Сирдарё вилоятларида иш олиб бормоқдалар. Зарурат туғилганда, «ЎзКейссервис» қўшма корхонаси билан келишиб, бу бригадалар хизматидан вилоятнинг бошқа туманларида ҳам фойдаланиш мумкин».

Тадбирлар ишлаб чиқилгани яқини, албатта. Аммо жавобда ҳозирга қадар Сирдарё вилоятида ана шу комплекс бригадалар қандай иш бажарганлари, лоқал чекта «Кейс» комбайни қўлдан чиқарилгани ҳусусида лом-мим дейилганини қандай изоҳлаш мумкин?

Энди «Ўзагрошсервис» уюшма маълумотномасига эътибор қаратайлик.

(Давоми 2-бетда).

Мухтарам муштарийлар!

«Халқ сўзи» ба «Народное слово» газеталарига обуна давом этаётганини эслатган ҳолда тахририят Сизнинг манфаатларингизни назарда тутиб янги имтиёзн жорий этди. Иккинчи ярим йиллик обуна нархи 25 фоизга арзонлаштирилди! Обуна бўлишига ишонини!

Газетамизнинг шу йил 21 январь сонида «Спорти суймайдиган раҳбарлар» сарлавҳали танқидий мақола эълон қилинган эди.

«Тўғри, ўрнимиз орқада, лекин...»

Хакикатан ҳам, «Умид ниҳоллари» ва «Баркамол авлод» спорт мусобақаларида Сирдарё вилояти рўйхатининг қуйи қисмидан ўрин олди. Муаллиф бунга асос қилиб «Шу ҳолнинг ўзиёқ вилоятда болалар спортининг ривожланишига етарли эътибор берилмаётганлигини кўрсатиб турибди» деган иборани ишлатади.

Мақола Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Сирдарё вилояти минтақавий филиали жамоаси томонидан ўрганиб чиқилди.

Утган йили болалар спортини ривожлантириш, оммавийлаштириш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. 2 та янги спорт иншооти қурилди, 18 иншоот, 46 та болалар спорт майдонлари қайта таъмирланди.

Чунки «Умид ниҳоллари» мусобақаларига тайёргарлик бошқармачисининг «Еш куч» кўнгилли спорт жамияти томонидан олиб борилган.

Муносабат

И. МАДАЗИМОВ,
Сирдарё вилояти жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси раиси.

В. ТУРДИЕВ,
Республика болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Сирдарё вилояти минтақавий филиалининг ижрочи директори.

ТАХРИРИЯТДАН: Ҳар иккала жавобни имкон қадар тўлиқроқ эълон қилишдан мақсад фикрлар хилма-хиллигига эришишдан иборат эди.

Бугунги кунда Сирдарё вилояти спорт соҳасида бошқа вилоятларга қиёсланганда анча орқада қолиб кетганлигини ҳар иккала мутасадди ҳам тан олишаёпти.

— Ховос туман болалар спортини ривожлантириш жамғармаси раҳбари лавозимидан олиб ташлашди. Бунга туманда қанча мактаб ўқувчиси спорт билан мунтазам шуғулланаётганлигини ҳам айрим спорт майдончаларининг ҳажмини билмаслиги, рақамларини чалқатириб юборганлиги асос қилиб кўрсатилди.

«Фахрийларимиз — отахон рассомларимиз»



Одамзот тарихини ва у босиб ўтган машаққатли йўлни фақат инсон хотирашига сақлаб қолишга, қадрлашга қодирдир.

Унинг асарларида жамият, миллат ва вақт ўзининг ёрқин ифодасини топади. Шу боис ижодкорларни халқимиз авайлайди, асрайди.

«БЕКТЕМИР ТАЖРИБА-ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ПАХТА ТОЗАЛАШ ЗАВОДИ» ОАЖ

акциядорлари диққатига!
«Бектемир тажриба-экспериментал пахта тозалаш заводи» ОАЖ акциядорларининг 2003 йил якуни бўйича умумий йиғилиши 2004 йил 21 май куни соат 10.00 да жамият ишлаб чиқариш биносига ўтказилади.

- 1. Жамият ижроия органининг 2003 йил молиявий ҳўжалик фаолияти бўйича ҳисоботи.
- 2. Жамият кузатув кенгашининг ҳисоботи.
- 3. 2003 йил якуни бўйича корхона молиявий ҳисоботини текшириш якунлари юзасидан аудитор ва тафтиш комиссиясининг хулосасини тасдиқлаш.
- 4. Жамият ижроия органи раҳбарини ёллаш тўғрисидаги меҳнат шартномасини 2004 йилга узайтириш.

Манзилими: Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Бектемир кўрғони, Паркент тракти кўчаси, 15, «Бектемир тажриба-экспериментал пахта тозалаш заводи» ОАЖ.

«Бектемир тажриба-экспериментал пахта тозалаш заводи» ОАЖ маъмурияти 2001 йил 30 ноябрдаги L 0083—3 рақамли эмиссия рисоласига бошқарилгани 2004 йил 23 январь R-2/1-5 сонли қарорига асосан ўзгартиш киритади ва жамият томонидан чиқарилган номинал қиймати 100 сўм бўлган акциялар номинал қиймати 350 сўмга 145553 донга эгаси ёзилган оддий, умумий қиймати 50943550 сўм бўлган акциялар чиқарилувиغا ўзгартишлар киритишини маълум қилади.

Эски тахрир	Янги тахрир
Жамиятнинг номинал қиймати 100 сўм бўлган 145553 донга эгаси ёзилган оддий, умумий қиймати 14555300 сўм бўлган акциялар қуйдагича тақсимланган:	Жамиятнинг номинал қиймати 350 сўм бўлган 145553 донга эгаси ёзилган оддий, умумий қиймати 50943550 сўм бўлган акциялар қуйдагича тақсимланган:
ХАБ «Тошкентпахтасаноат» улуши — 51 фоиз, яъни 7423200 сўм бўлган 74232 донга акция.	ХАБ «Тошкентпахтасаноат» улуши — 51 фоиз, яъни 25981200 сўм бўлган 74232 донга акция.
Меҳнат жамоаси улуши — 7 фоиз, яъни 1018900 сўм бўлган 10189 донга акция.	Меҳнат жамоаси улуши — 6,61 фоиз, яъни 3369450 сўм бўлган 9627 донга акция.
Эркин савдо улуши — 42 фоиз, яъни 6113200 сўм бўлган 61132 донга акция.	Эркин савдо улуши — 42,39 фоиз, яъни 21592900 сўм бўлган 61694 донга акция.

«Бектемир тажриба-экспериментал пахта тозалаш заводи» ОАЖнинг 2004 йил 1 январь ҳолатига бухгалтерия баланси

№	Ўзлик маблағларнинг манбалари	Ҳисобот даврида 2003 йил
	Актив	
1.	Асосий воситалар	
2.	Бошланғич қиймати	249181
3.	Эскириш	164903
4.	Қолдиқ қиймат	84278
5.	Номаддий активлар	
6.	Капитал қўйилмалар	84278
7.	Шўба хўжалик жамиятидаги акциялар	
8.	Уюшма корхоналаридаги акциялар	
9.	Бўлим бўйича жами	84278
10.	Жорий активлар	
11.	Ишлаб чиқариш захиралари	1529148
12.	Тугалланмаган ишлаб чиқариш	
13.	Тайёр маҳсулот	137248
14.	Келгуси давр сарфлари	65823
15.	Пул маблағлари	14094
16.	Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоблашиш	
17.	Бўнақ тўловлар	
18.	Бошқа дебиторлар	64
19.	Бўлим бўйича жами	1746377
20.	Баланснинг актив бўйича жами	1830655
	Пассив	
21.	Устав капитали	50944
22.	Резерв капитали	25744
23.	Тақсимланмаган фойда	108769
24.	Мақсадли молиялаштириш ва тушумлар	14130
25.	Келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун резервлар	11425
26.	Бўлим бўйича жами	211012
27.	Узоқ мuddатли қарзлар	200
28.	Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар	464871
29.	Бюджет бўйича қарзлар	525021
30.	Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар	19856
31.	Ижтимоий суғурта ва таъминот бўйича қарзлар	
32.	Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича қарзлар	250761
33.	Шўба ва қарам жамиятлари билан ҳисоблашишлар	346493
34.	Бошқа кредиторлар	12441
35.	Бўлим бўйича жами	1619643
36.	Баланснинг пассив бўйича жами	1830655

Ушбу баланс «Челак-Аудит» фирмаси аудитори хулосаси билан тасдиқланган.

Минтақавий семинар

Термиз шаҳрида Молия вазирлиги ҳузуридаги Сугурта назорати давлат инспекцияси томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Сугурта фаолияти тўғрисида"ги Қонуни, Президентимизнинг 2002 йил 31 январдаги "Сугурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг ижросига бағишланган минтақавий семинар бўлиб ўтди.

Унда Молия вазирлиги, республикамиздаги сугурта компанияларининг ҳудудий бошқармалари, "Узагросугурта" компаниясининг Сур-

хондарё ва Қашқадарё вилоятларидаги дирекциялари, туман бўлимлари, молия муассасалари, ширкат ва фермер ҳўжаликлари

раҳбарлари ва мутахассислари иштирок этди. Семинарда сугурта соҳасида барча ҳўққий асослар яратилганлиги боис мамлакатимизда

сугурта бозори ривожланиш босқичига кирганлиги, хусусан, аграр соҳада мазкур хизмат тури жонланиб бораётганлиги таъкидланди. Шунингдек, нафақат маҳсулот ишлаб чиқаришда, балки инсон ҳаётида ҳам сугуртанинг ўрни тўғрисида сўз юритилди. Жойлардаги ширкат ва фермер ҳўжаликлари раҳбарларининг саволларига мутасаддилар батафсил жавоб бердилар.

Ўз мухбиримиз.

«Автогаз» акциядорлик компанияси корхоналари ва тадбиркорлар диққатида!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛ-ХОМАШЁ БИРЖАСИ ВА «ЎЗБЕКНЕФТАЗ» КОМПАНИЯСИ

2004 йил 25 май кунини соат 11.00да **СУЮЛТИРИЛГАН ГАЗНИ**

сотиш ҳўққини берувчи лицензияга эга бўлган кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари ҳамда «Автогаз» АК корхоналарига суюлтирилган газни сотиш бўйича махсус аукцион савдолари ўтказилади.

Катнашчиларни рўйхатга олиш 2004 йил 25 май кунини соат 9.00дан 10.00гача кўйидаги манзилда ўтказилади: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шўҳўчаси, 53-«А» уй.

Аукционда сотиладиган суюлтирилган газ ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан 2004 йилнинг июнь ойида етказиб берилади.

Бир тонна суюлтирилган газнинг бошқарувчи баҳарини — 98 минг сўм.

Аукционда катнашиш учун Ўзбекистон Республикаси Мол-хомашё биржаси номига бир ойда ишлатиладиган суюлтирилган газ нархининг бир физик миқдориди гаров суммасини кўйидаги ҳисоб рақамига ўтказиш лозим: 20208000700600257010, ОПЕРУ АББ «Трастбанк», МФО 00491, ИНН 200933985.

Тўлиқ маълумотни кўйидаги телефонлар орқали олиш мумкин: **139-83-88, 136-10-20.**

ОЧИК АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ ШАКЛИДАГИ «КОСОН ЁҒ-ЭКСТРАКЦИЯ»

ЎЗБЕКИСТОН-АМЕРИКА ҚўШМА КОРХОНАСИНИНГ

2003 йил якуни бўйича бухгалтерия баланси *Милг сўм ҳисобида*

Актив		Пассив	
Узоқ муддатли активлар		Узлик маблағларнинг манбалари	
1. Асосий фондлар ва номоддий активларнинг қолдиқ қиймати	1369826	1. Устав капитали	136642
2. Капитал қўйилмалар	21976	2. Қўшилган капитал	1153468
3. Шўба корхоналарнинг акциялари	79007	3. Таксимланмаган фойда	1320637
4. Узоқ муддатли инвестициялар	148456	4. Мақсадли молиялаштириш ва тушумлар	34528
5. Бошқа активлар	13739	5. Келгуси давр даромадлари	74480
I-бўлим натижаси	1633004	I-бўлим натижаси	2719755
Жорий активлар		Мажбуриятлар	
1. Ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулот, олиб сотиладиган товарлар	1245691	1. Узоқ муддатли қарзлар	3320349
2. Келгуси давр сарфлари	13414866	2. Узоқ муддатли банк кредитлари	751020
3. Ҳисоб рақамидидаги маблағлар	4529	3. Қисқа муддатли қарзлар	9014051
4. Қисқа муддатли молиявий қўйилмалар	4514199	4. Қисқа муддатли банк кредитлари	4408959
5. Сотиб олинган хусусий акциялар	40342	5. Олинган аванслар	866019
6. Дебитор ва берилган аванслар	433307	6. Кредиторлар	205785
II-бўлим натижаси	19652934	II-бўлим натижаси	18566183
Баланс	21285938	Баланс	21285938

2003 йил молиявий натижалари *(милг сўм ҳисобида)*

1. Сотилган маҳсулот ва кўрсатилган хизматлар жами	— 21739089
2. Тўланган акция ва ҚҚС солиқлари	— 10384861
3. Сотилган маҳсулот ва хизматлар таннархи	— 8804775
4. Давр харажатлари	— 651955
5. Олинган дивидендлар	— 1690
6. Ишлаб чиқаришдан ташқари олинган даромадлар	— 327366
7. Тўланган валюта курс фарқлари	— 606789
8. Якуний натижа	— 1619765
9. Фойда ҳисобидан тўланган солиқлар	— 299128
10. Соф фойда	— 1320637

Корхона баланси «Косон-Аудит» аудиторлик фирмаси ҳулосаси билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан берилган 0036-сонли лицензия.

Кўзатув кенгаши.

Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини етиштирувчи ширкат ва фермер ҳўжаликлари «Ўзимёсанот» ДАК тизимидаги диққатида!

ОЛМАЛИҚ «АММОФOS» ОЧИК АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

Республика мол-хомашё биржасининг барча вилоятлар филиаллари орқали **АММОФOS МИНЕРАЛ ЎҒИТИ** сотишини маълум қилади.

Харидорларга энгилликлар яратиш мақсадида барча вилоятлар оҳуддларида «Аммофос» ОАЖ ваколатли оҳборлари ташкил қилинган. Савдога қўйилган минерал ўғитлар 50 кг. қопларга қадоқланган бўлиб, шартнома тузиш жараёнида минерал ўғитларни ташиш, сақлаш ва вагонларни жиҳозлаш харажатлари қўшиб ҳисобланади.

Маълумот учун маҳсулот сотиш ва маркетинг бўлимига мурожаат қилишингиз мумкин. Телефонлар: (8-37161) 3-72-93, 3-39-10, факс: 3-62-92.

Корхона ўзи тайёрлаган ҳар хил турдаги **МЕБЕЛЛАРНИ** арзон нархларда таклиф этади.

Тўлов шакли турлича

Манзиллар: Тошкент шаҳри, С.Рахимов тумани, Жомий майдони, «Алимхон савдо уйи» ёки Яққасарой тумани, А.Қаҳҳор кўчаси, 42-уй. Телефонлар: 148-14-72, 104-49-17, 104-49-63, 104-49-67. Факс: 152-26-55.

Озлето «Узлотто» лотереяси 20-тиражининг **Ҳисоботи**

Лотерея тиражи 2003 йил 6 августда берилган 000001-сонли лицензия ва 2003 йил 6 августда тасдиқланган Телевизион, сонли «O'Zlotto 6/40» лотереясини ўтказиш шарт ва қондалари асосида ўтказилди.

Тушган шарлар номери кетма-кетлиги: **35 13 26 25 40 14**

Тираж ўтказилган сана: 2004 йил 1 май

Ютуқ категорияси	Ютуқ фонди	Ютуқлар сонини	Бир ставка ютуғи
6 та тўғри топилган сон учун	100 000 000	0	0
5 та тўғри топилган сон учун	1 025 850	1	1 025 850
4 та тўғри топилган сон учун	527 150	32	16 473
3 та тўғри топилган сон учун	1 845 025	545	3 385

Ютилмаган совринлар кейинги тираж ютуқ жамгармасининг худди шу категориясига қўшилади. Лотереянинг кейинги тиражи 2004 йил 8 май кунини ўтказилади.

Кейинги тиражнинг **ЖЕК-ПОТ** суммаси: **100 000 000 сўм**

Тўқтин ҳаёт сари! Тошкент, «Низабек йўли» 24, тел. 136-70-69.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚўМИТАСИ

статистик маълумотлардан фойдаланувчиларга «Ўзбекистон Республикасининг статистик аҳборотномаси» тўпламини таклиф қилади.

Тўпланда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари акс эттирилган.

Тўпланда кўйидаги маълумотлар келтирилган:

- мамлакатнинг ялғи ички маҳсулоти;
- институционал ислохотлар;
- чет эл сармояларини жалб этиш;
- иқтисодийёт тармоқларининг ривожланиши;
- истьёмол бозори;
- ташки иқтисодий фаолият;
- кичик тадбиркорликни ривожлантириш;
- ижтимоий соҳа ва бошқалар.

Тўпланини харид қилиш учун кўйидаги манзилга мурожаат қилинг:

Тошкент ш., 700077, Буюк Ипак йўли к., 63-уй. Телефонлар: 67-19-10, 67-23-65, факс: 67-19-10. www.stat.uz E-mail: Gks@stat.uz

200 000 дан зиёд **АБОНЕНТЛАР ТАНЛОВИ!**

Доимий тараққиётга қўшилиш!

Уздунробита GSM тармоғи Сурхондарё вилоятининг Кумқўреон, Жарқўреон ва Учқизил шаҳарларида ишлаб бошлади!

ТОШКЕНТДАГИ СЕРВИС МАРКАЗИ МАНЗИЛИ: УСМОН ЮСУПОВ КўЧАСИ, 16-ҒИ («АБЗАК») 130 09 09, 13 1 09 09, 103 09 09 «Уздунробита» ҚК ТЕЛЕФОНЛАРИДАН - 6 11 WWW.UZDUNROBITA.UZ

КОМПАНИЯНИНГ ВИЛОЯТЛАРДАГИ БўЛИМЛАРИ: АНДИЖОН: (21290909); БҲОРО: (22170909); ЖИЗЗАХ: (22179909); НҲКҲ: (2210909); ҚАРШИ: (22190909); САМАРҚАНД: (21380909); НАВОЙ: (22180909); НАМАНГАН: (2120909); ТЕРМИЗ: (2219909); ҒАЛИСТОН: (21240909); ФАРҒОНА: (21210909); ЎРҒАНЧ: (2216309); ОЛМАЛИҚ: (61160909); БЕКОВД: (91123456); ДЕНОВ: (41119909); ЧИРЧИК: (71169909); ЯНГИЙЎЛ: (60140909); ШАҲРИСАБЗ: (2121909); ҚАҒОН: (55170909); ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАШТИРИЛГАН

O'ZSANOATQURILISHBANK Кўпларни танишади — муносибларни танлашади!

Ширкат ва фермер ҳўжаликлари раҳбарлари диққатида! ТТЗ-80.10, ТТЗ-80.11, ВУ-300, ВУ-304-2 русумли тракторлар корхонадан — тўғридан-тўғри ишлатувчиларга!

«ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИ» ДАЖ сизларнинг истакларингиз, таклиф-мулоҳазаларингизни ҳисобга олиб, мамлакатимиз минтақаларида ўзининг дилерлик тармоқларини ташкил этганлигини маълум қилади.

Кўйида кўрсатилган манзиллардаги дилерлик марказларига мурожаат этиб, майдонларда кўргазмага қўйилган техника воситаларидан сизга маълум бўлганини сотиб олишингиз мумкин. Марказларнинг мутахассислари тракторларга сервис хизмати бўйича йўл-йўриқлар кўрсатиб, каталогларни сизларга тақдим этишади ва зарур эҳтиёт қисмларни танлаб олиш юзасидан маслаҳатлар беришади.

Дилерлик марказларимиз кўйидаги манзилларда жойлашган:

№	Манзил	Дилерлик марказлари номи	Директорлар исми-шарифи	Телефонлари
I. Қашқадарё вилояти				
1.	731101, Косон шаҳри, Й.Охунбоев кўчаси, 55-уй.	ТТЗ «Косон-сервис»	Тўраев Ш.С., бош ҳисобчи.	код 37559, 32262, 32697
2.	731306, Ғузур шаҳри, «Пахтазор» маҳалласи.	«ТТЗ — ММТП» Ғузур	Зарипов Соатмурод Малевласи	код 37555, 22234, 21397
II. Сурхондарё вилояти				
3.	733000, Денов шаҳри, Остонакулов кўчаси, 107-уй.	ТТЗ «Сурхондарё-сервис»	Чориев Абдусалом Фафорович,	код 37641 24601, факс: 21626
4.	733606, Сарисийё шаҳри, Улғубек кўчаси, 110-уй.	ММТП «Сарисийё»	Эшонкулов Тўхтасин,	код 37641, 31868
5.	733414, Олтинсой тумани, Корлуқ кўрғони, Охунбоев кўчаси, 24-уй.	ММТП «Олтинсой»	Хусанов Абдурахмон,	код 37647 51778, уйи: 51578
6.	Ангор тумани, «Талимарон» ҳўжалиги, I-бўлим, «Корасув» маҳалласи.	ММТП «Ангор»	Шауманов Тура Шўманович,	код 37631, 22047
III. Хоразм вилояти				
7.	741600, Хонқа шаҳри, У.Юсупов кўчаси, 2-уй.	Хоразм техника маркази	Юсупов Маматсалой,	код 36239, 91932, 92609
8.	740006, Хонқа тумани, У.Юсупов кўчаси.	Ғлиғбозор	Қаландаров Кадам.	уйли: 1545082
IV. Жиззах вилояти				
9.	708000, Жиззах шаҳри, Лаврентьев шўҳўчаси, 3-уй.	Жиззах техника маркази	Жўраев Холмурод	код 37222, 31821, 31526
V. Фарғона вилояти				
10.	713826, Фарғона тумани, Аввал қишлоғи.	Фарғона техника маркази	Раҳмонов Махмуд Холматович	код 3732, 255733
VI. Наманган вилояти				
11.	716003, Наманган шаҳри, Шимолий саноат зонаси, Поляковский к., 19-уй.	Наманган вилояти техника маркази	Зиятов З.С.	код 36922, 40764
VII. Қорақалпоғистон Республикаси				
12.	743700, Тўртқўл шаҳри, Рашидов кўчаси, 53-уй.	Қорақалпоғистон техника маркази	Мадраимов Илҳомбой Давлатович	код 361 5323293, 2214975, 2211200

Диққат, муаммо!

Тошкент шаҳридаги ҳозирги Кардиология марказининг яқинида замонавий иморатлар қуришда...

Тошкент обсерваторияси узок йиллар давомида жаҳон астрономиясига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келди.

ХАЛҚ МУЛКИ — ДАХЛСИЗ

чор, заиф томони бор — кўзи миллион-миллион чакрим олисдаги юлдузларга етиб борса-да...

нинг теварагида радиуси уч чакрим келадиган ҳудуд шу зона яқинидан катта йўл ўтказмоқчи бўлганида...

си беаёв қўприб ташланади. Бу ерларда қарбдаги архитекторларниқидан қолишмайди...

бўлиб, беихтиёр илм-фанга, хусусан фалакиёт соҳасига улкан ҳисса қўшган буюк бобомиз Мирзо Улугбек ёдга тушади.

ронга айланган эди. Бироқ бу улғу бобоқалон алломамизнинг руҳи бизнинг давримизда Тошкент обсерваториясида кўним топиб...

Лоқайдлик — ичимиздаги душман

(Давоми. Боши 1-бетда)

Семинарда фуқароларимизда Юрт тинчлиги, Ватан истиқлоли ва истиқлолига дахлдорлик туйғусини камол топтириш...

Анжуман иштирокчилари республикамизда миллий-диний кадрларни тиклаш ва ривожлантириш йўлида олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумотларга эга бўлиш билан бир қаторда...

Шу билан бирга, семинарда кўп миллатли ва кўп конфессияли мамлакатда диний экстремизм туғдирадиган хавфнинг ўзига хос хусусиятлари...

Анжуманда террористик ҳаракатларнинг ҳақиқий башарасини, уларнинг бугунги кунда ёшлар онгини захарлаш борасида олиб бораётган фаолиятини ёритиб берувчи ҳужжатли фильм намойиш этилди.

Семинарнинг келгуси йўналишларида Тошкент вилояти фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда шаҳар ва туманлар «Маҳалла» жамағатлари раислари билан соҳага оид долзарб масалаларни муҳокама қилиш мўлжалланган.

Фурқат САНАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

АКЦИЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА! «Yangiyo'l yog'-moy» ХИИ ОАЖ акциядорларнинг умумий мажлиси 2004 йил 19 май кун...

Барча ташкилотлар диққатида! «ГАЗ» ОАЖнинг расмий дилери бўлган «TECHNOMARKET PLUS» компанияси Тошкентдаги омбордан...

Корхона Тошкент шаҳридаги омборини пул ўтказиш йўли билан Украинада ишлаб чиқарилган «Dubno» номли тозаланган, ҳолестеринсиз 1 литрли идишда...

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛАНТИРИШ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ газетанинг 2004 йил 27 апрелда чоп этилган эълондаги «Қурилиш ишлари»...

«TEZINTOM» ўз харидорларига илғор технологиялар асосида ишлаб чиқарилган қурилиш анжонларининг ўта замонавий турларини тақлиф қилади.

Ушбу жойда СИЗНИНГ рекламанинг бўлиши мумкин эди! «Халқ сўзи»даги Реклама бизнесинингизни қўллаб-қувватлайди!

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ кўйидаги навозиларга танлов эълон қилади.

TRAST LA MINOT ФОСФОХИМ реализует со склада в Ташкенте СМАЗКИ ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН (пр-ва России, Украины)

ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ АКАДЕМИЯСИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ Ўзбекистон Республикаси Қуролли қучлари сержантларида лидер фазиалларини шакллантириш...

